

**Ёш мутахассиснинг лавозим маошига қўшимча
устамаларни тўлаш тўғрисида
ШАРТНОМА**

_____ -сон

2022 йил “_____” _____

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) номидан низом асосида фаолият юритувчи директорнинг биринчи ўринбосари О.А.Хасанов бир томондан,

(вазирлик ёки идора номи)

номидан _____ асосида фаолият юритувчи _____
(ваколатли шахс лавозими, Ф.И.О.)

(кейинги ўринларда – Иш берувчи) иккинчи томондан ва _____

(Давлат органлари, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўйхатида киритилган хорижий олий таълим муассасаларини (бакалавриат, магистратура) тамомлаган ёки уларда илмий даража (PhD ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган ёш мутахассис)

(ф.и.о., туғилган йили, паспорт серияси)

(кейинги ўринларда – Ёш мутахассис) учинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ–6260-сон “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (кейинги ўринларда – Фармон) асосан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Иш берувчи мазкур шартнома ва Фармонга асосан Ёш мутахассиснинг ҳар ойлик лавозим маошига қўшимча устамаларни ушбу шартномада белгиланган шартлар ва муддатларга мувофиқ тўлаб боради.

II. ЁШ МУТАХАССИСНИНГ ҲАР ОЙЛИК ЛАВОЗИМ МАОШИГА ҚЎШИМЧА УСТАМАЛАР СУММАСИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

2.1. Иш берувчи Фармонга мувофиқ Ёш мутахассиснинг ҳар ойлик лавозим маошига **БХМнинг** (базавий ҳисоблаш миқдorigа нисбатан) _____ *(сўз билан)* баравари миқдorigа 3 йил давомида қўшимча устамаларни тўлаб боради. Тўловлар миқдorigа БХМнинг тегишли ой учун тўланадиган миқдorigа асосида ҳисобланади.

2.2. Мазкур шартноманинг 2.1.– бандида белгиланган миқдордаги устама тўлови Ёш мутахассиснинг ҳар меҳнат фаолиятини амалга оширган оyi бўйича кейинги оyнинг 10 санасига қадар тўланади. Бунда устама тўлови Ёш мутахассиснинг ҳар чорақда тасдиқланадиган иш режасининг бажарилишидан келиб чиқиб амалга оширилади.

2.3. Иш берувчи томонидан Ёш мутахассисга унинг ишлаган кунларига мутаносиб равишда мазкур шартноманинг 2.1.-бандида назарда тутилган қўшимча устама тўлови тўланади.

2.4. Иш берувчи томонидан Ёш мутахассисга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси биринчи қисми 1 ва 2-бандларида назарда тутилган меҳнат интизоми жазо чоралари қўлланилган тақдирда ва ушбу интизомий жазоларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар мазкур шартноманинг 2.1.– бандида назарда тутилган қўшимча устама тўловининг тўланиши тўхтатиб турилади.

2.5. Ёш мутахассис томонидан унинг ҳар чорақда тузиладиган иш режасида белгиланган вазифалар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда мазкур шартноманинг 2.1. – бандида назарда тутилган қўшимча устамалар тўланиши Иш берувчи томонидан тўхтатилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Агентликнинг ҳуқуқлари:

а) Иш берувчи томонидан Ёш мутахассиснинг ҳар ойлик лавозим маошига қўшимча устамаларни ушбу шартномада белгиланган шартлар ва муддатларга мувофиқ тўлаб борилиши бўйича мониторингни амалга ошириш;

б) мазкур шартноманинг 3.1.-банди а) кичик бандида кўрсатилган мониторинг фаолияти доирасида Иш берувчи ва Ёш мутахассисдан керакли ҳужжатларни талаб қилиш;

в) ушбу шартномани амалга оширишда Иш берувчи ёки Ёш мутахассис томонидан сохта ҳужжатлар тақдим этилгани аниқланган тақдирда, мазкур шартномани бир тарафлама бекор қилиш. Бунда шартнома бўйича тўланган барча тўловлар тегишлича айбдор шахс(лар) томонидан қопланади.

3.2. Агентликнинг мажбуриятлари:

а) Ёш мутахассиснинг ушбу шартнома доирасида келиб чиқадиган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

б) Иш берувчи томонидан мазкур шартнома шартлари бузилган тақдирда унга нисбатан тегишли чора кўриш бўйича унинг юқори турувчи ташкилотига таклиф киритиш.

3.3. Иш берувчининг ҳуқуқлари:

а) Ёш мутахассисдан ушбу шартнома доирасида керакли ҳужжатларни талаб қилиш;

б) Ёш мутахассис томонидан сохта ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилгани аниқланган тақдирда мазкур шартнома бўйича унга тўланган барча тўловларни ундириш;

в) Ёш мутахассиснинг ҳар чорақ бўйича иш режаси бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг 2.1. – бандида назарда тутилган қўшимча устамаларни тўламаслик.

3.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) Ёш мутахассисга ҳар ойлик лавозим маошига қўшимча устамаларни мазкур шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаб бериш;

б) Ёш мутахассис томонидан сохта ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилгани аниқланган тақдирда Агентлик билан келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш;

в) ҳар чоракда Агентликка мазкур шартнома доирасида қўшимча тўланган устамалар ҳақида ёзма равишда маълумот тақдим этиш;

г) Ёш мутахассиснинг ҳар чорак бўйича иш режасини тасдиқлаш ҳамда иш режа бажарилиши ва лозим даражада бажарилишини назорат қилиш;

д) Агентликка ҳар ярим йилда ёш мутахассис томонидан амалга оширилган ишлар ва шартнома шартлари бажарилиши ҳолати тўғрисида маълумотларни тақдим этиб бориш.

3.5. Ёш мутахассиснинг ҳуқуқлари:

а) ҳар ойлик лавозим маошига мазкур шартномада назарда тутилган қўшимча устамаларнинг ўз вақтида тўланишини Иш берувчидан талаб қилиш;

б) Иш берувчи томонидан ҳар ойлик лавозим маошига қўшимча устамаларни тўлаш бўйича муддатлар ва бошқа шартлар бузилган тақдирда Агентлик масъуллари ёки суд органларига муурожаат қилиш.

3.6. Ёш мутахассиснинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартнома бўйича ҳар ойлик лавозим маошига қўшимча устамаларнинг тўланиши учун зарур ҳужжатларни Иш берувчи ва/ёки Агентлик масъулларига тақдим этиш;

б) Иш берувчи ва Ёш мутахассис ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ҳамда мазкур шартномага риоя қилиш;

в) ҳар чоракда иш режани ишлаб чиқиш ва Иш берувчига тасдиқлаш учун киритиш;

г) Иш режада белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариш.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Иш берувчи томонидан мазкур шартнома шартлари бузилган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. Ёш мутахассис томонидан сохта ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилган тақдирда мазкур шартнома доирасида тўланган барча устама тўловлари Ёш мутахассис томонидан Иш берувчига қайтариб берилади.

V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар Агентлик ёки суд томонидан кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади, бундан мазкур шартноманинг 3.1. ва 3.4.-бандларида белгиланган ҳолатлар мустасно.

6.3. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 5 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

VII. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

7.1. Шартнома 2022 йил “_____” _____ дан бошлаб кучга кириди ва 2025 йил “_____” _____ гача амал қилади.

7.2. Шартномага илова қилинган ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3. Шартнома 3 нусхада тузилган бўлиб, уч нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

7.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

VIII. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

8.1. Иловалар:

- а) диплом нусхаси (нострификация ҳужжати);
- б) ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ нусхаси (кўчирма);
- в) бошқа тегишли ҳужжатлар.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги
директорининг биринчи
ўринбосари
О.А.Хасанов**

Иш берувчи –

Ёш мутахассис –

Имзо *м.ў.*

Имзо *м.ў.*

Имзо